



# Сув таъминоти тизимлари нинг мослаштирувчи ва сув сакловчи иншоотлари

Маъruzachi: Абдуқодирова М.Н.



# **«СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИНИГ МОСЛАШТИРУВЧИ ВА СУВ САҚЛОВЧИ ИНШООТЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗАНИ ОЛИБ БОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДУЛИ**

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 75 та</i>
<i>Ўқув машгулотининг шакли ва тури</i>	<i>Ахборотли-кўргазмали маъруза</i>
<i>Маъруза режаси (ўқув машгулотларининг тузилиши)</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>Сув сарфини мослаштирувчи ва сақловчи иншоотлар, уларнинг турлари ва ҳисоби. Босимли сув минораси.</li><li>Тоза сув резервуарлари.</li><li>Водопровод насос станциялари. Уларнинг вазифалари ва турлари.</li><li>Пневматик насос қурилмалари.</li></ol>
<p><b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Талабаларни резервуарлар, уларнинг турлари, тузилиши ҳамда ҳисоби. Босимли ва босимсиз резервуарлар, уларнинг тузилиши, тўла хажмини графиклар ва жадвал усулда аниқлаш. Босимли сув минорали, турлари, тузилиши ва ҳисоби. Пневманасос қурилмалари, вазифаси, тузилиши.</p>	

# **Сув ҳажмини сақловчи ва сарфини мослаштирувчи иншоотлар**

Ичимлик сув таъминоти тизимлари таркибида сув ҳажмининг маълум микдорини ўзида сақлаб турувчи ва тармокдаги сувнинг сарфини мослаштириш учун хизмат қилувчи иншоотлар кўзда тутилади.

Сувни ҳажмини сақловчи ва сув сарфини мослаштирувчи иншоотларнинг ўлчамларини тўғри танлаш ва уларни тўғри жойлаштириш:

Сувни олиш, тозалаш ва етказиб бериш иншоотларининг, ҳамда сувни тарқатиш тармоқларининг оптимал ишончли ишлашини таъминлаш билан бирга сув таъминоти тизимини ташкил қилиш ҳаражатларини камайтириш имкониятини яратади.

## **Сув ҳажмини сақловчи ва сарфини мослаштирувчи иншоотларнинг турлари**

- Сув ҳажмини сақловчи ва сув сарфини мослаштирувчи иншоотлар талаб қилинган вақтда сувни максимал микдорда етказиб бериш ва сув етказиб берувчи қувурларнинг диаметрларини оптимал қийматларгача камайтириш имкониятларини яратади.
- Сув ҳажмини сақловчи ва сув сарфини мослаштирувчи иншоотлар вазифасига кўра :
  - ✓ **сувнинг маълум ҳажмини ўзида сақловчи;**
  - ✓ **тизимдаги сувнинг сарфини мослаштирувчи;**
  - ✓ **ҳам сув ҳажмини сақловчи, ҳам сув сарфини мослаштирувчи иншоотлар** каби турларга ажратилади

# Сув ҳажмини сакловчи ва сарфини мослаштирувчи иншоотларнинг турлари

- Сув ҳажмини сакловчи ва сув сарфини мослаштирувчи иншоотлар **босимли** ва **босимсиз** турларга бўлиниши мумкин.
- Босимли иншоотлар асосан ҳам сув ҳажмини сакловчи, ҳам сув сарфини мослаштирувчи иншоотлар кўринишида фаолият юритадилар ва улар одатда худуднинг баланд нуктасида жойлаштирилади.
- Босимсиз иншоотлар одатда иккинчи кўтариш насос станциясидан олдин жойлаштирилади ва сув олиш, тозалаш иншоотлари ҳамда насос станцияларининг ишлашини тартибга солиш учун хизмат қиласида.
- Босимсиз типдаги иншоотлар одатда факат сувнинг маълум микдордаги ҳажмини ўзида саклаб туриш учун хизмат қиласида. Амалиётда кенг қўлланиладиган тоза сув резервуарлари босимсиз иншоотларга яққол мисол бўла олади.

## Тоза сув резервуари ва унинг умумий ҳажми

- Тоза сув резервуари биринчи ва иккинчи кўтариш насос станцияларининг сув сарфларини мослаштириш ва ўзида ёнгинни ўчириш ва аварияни бартараф қилиш вақтида зарур бўладиган сувларнинг ҳажмини сақлаш учун хизмат қилади.
- Тоза сув резервуарининг умумий ҳажми:

бу ерда

$$W_{\text{тср}} = W_{\text{мос}} + W_{\text{ёнғин}}$$

$W_{\text{мос}}$ - тоза сув резервуарининг мослаштирувчи ҳажми,  $\text{м}^3$ ;

$W_{\text{ёнғин}}$  - тоза сув резервуарининг ёнгинни ўчириш ва аварияни бартараф қилиш учун ҳажми,  $\text{м}^3$ .

- Тоза сув резервуарида зарурий сув ҳажми ҚМваҚ талабига кўра икки ва ундан ортиқ резервуарларда сақланади, яъни резервуарлар сони икки ва ундан ортиқ бўлади.

# Тоза сув резервуарининг мослаштирувчи ҳажми

- Тоза сув резервуарининг мослаштирувчи ҳажмини аниқлаш:

$$W_{\text{мос}} = \frac{n \cdot Q_{\text{сут}}}{100}$$

бу ерда

$n$  - резервуарга сувни келиши ва кетиши асосида аниқланадиган кўрсаткич;

$Q_{\text{сут}}$  – суткалик сув истеъмоли миқдори,  $\text{m}^3/\text{сут}$ .

Тоза сув резервуарига сувни келиши ва кетиши кўрсаткичини аниқлаш

Соатлар	Сувнинг НС I томонидан берилиши, %	Сувнинг НС II томонидан олиниши	Сувнинг резервуарга тушиши	Сувнинг резервуардан кетиши	Сувнинг алгебраик йигиндиси	Резервуардаги сувнинг миқдори
1	2	3	4	5	6	7
0-1	4,17		+ (2-3)		4 (1)	
1-2	4,17		+ (2-3)		4 (1) + 4 (2)	
.....	4,17		+ (2-3)			
.....	4,17			- (2-3)	$\sum 4 (n) - 4 (i)$	
22-23	4,17			- (2-3)		
23-24	4,17			-(2-3)		
$\sum = 100$		$\sum = 100$			$\sum = 0,0$	

## Тоза сув резервуарини ёнғинга қарши ҳажми

- ҚМваҚ 2.04.02–97 талабига кўра тоза сув резервуарида ўт ўчириш учун сув ҳажми кўзда тутилади.
- Унинг ҳажми ёнғинни 3 соат давомида ўчириш учун кетадиган сув миқдоридан келиб чиқиб аниқланади:

$$W_{\text{ёнғин}} = N_{\text{ўт ўч}} \cdot n \cdot T \cdot 3,6 = 15 \cdot 1 \cdot 3 \cdot 3,6 = 162 \text{ м}^3$$

бу ерда:  $N_{\text{ўт ўч}}$  – ўт ўчириш учун зарур бўлган сув сарфи

$$N_{\text{ўт ўч}} = N_{\text{ички}} + N_{\text{таш}} = 5 + 10 = 15 \text{ л/с}$$

$n$  – аҳоли пунктида бир вактда содир бўладиган ёғинлар сони ( $n = 1$ );

$T$  – ёғинни ўчиришга кетадиган вакт ( $T = 3$  соат)

- ҚМваҚ 2.04.02–97 талабига кўра тоза сув резервуарида тармоқда авария бўлган вақтда етказиб бериладиган сув ҳажми ҳам кўзда тутилади.
- Сув етказиб бериш қувури икки ипли кўринишда қабул қилинса, авария учун заҳирани кўзда тутмаса ҳам бўлади.

# Тоза сув резервуарини конструкцияси

Тоза сув резервуарлари асосан йиғма темир-бетон конструкциялардан тузилади.

Айрим ҳолларда пўлат ёки ғиштдан ясаладиган резервуарлар ҳам қўлланилади.

Резервуарнинг тузилиши ва шакли турлича бўлиб, кўпинча цилиндрик шаклдаги гумбаз шифтли резервуарлар қўлланилади.

Бундай резервуарларнинг ҳажми 600 м<sup>3</sup> гача бўлади.


Резервуар яrim чуқурлаштирилган ҳолда ва устидан иссиқлик изоляциясини таъминлаш мақсадида 0,5 -1,0 м тупроқ қатлами билан кўмилган ҳолда барпо қилинади.

Тоза сув резервуарнинг туби кичик қиялик билан курилиб, бир четида маҳсус чуқурча билан жиҳозланади.

Тоза сув резервуарининг асосий қисмлари:

- ҳовуз,
- чуқурча,
- нарвон,
- қопқоқли туйнук,
- вентиляция мўриси.

# Тоза сув резервуарининг схемаси



# Тоза сув резервуарларининг кўринишлари



# Тоза сув резервуарларини қуриш

- Махсус чукурча лойқани түплаш ва махсус қувур ёрдамида чиқариб юбориш учун хизмат қилади.
- Тоза сув резервуарининг ҳажми  $600 \text{ м}^3$  дан катта бўлганда уни цилиндрик шаклдаги текис шифтли резервуарлар кўринишида бўлиши тавсия этилади.
- Цилиндр шаклдаги текис шифтли резервуарларининг ҳажми  $50 - 2000 \text{ м}^3$ , диаметри  $4,7-25,4 \text{ м}$ , баландлиги  $3,5 - 4,5 \text{ м}$  гача бўлади.
- Тоза сув резервуарининг шифти устунлар ёрдамида тутиб турилади. Бунда ҳар  $100 \text{ м}^3$  ҳажм ҳисобига 1 устун кўзда тутилади.
- Тоза сув резервуарларини қуришда йиғма темир-бетон ускуналар кенг қўлланилади. Бундай иншоатларни қуришда заводда тайёрланган тайёр элементлар - колонналар, тўсинлар, деворлар ва плиталар иншоот қуриладиган жойга келтирилади ва шу жойнинг ўзида йиғилади.
- Резервуарнинг туби монолит бетондан, деворлари, томи ва устунлари йиғма темир-бетондан йиғилади.
- Резервуарни йилига камида 1 марта тозалаш ва ювиш амалга оширилади.

## **Сув ҳажмини сақловчи ва сув сарфини мослаштирувчи босимли иншоотлар**

- Сув ҳажмини сақловчи ва сув сарфини мослаштирувчи босимли иншоотлар баландда жойлаштирилиб тармоқдаги сувнинг микдори ва босимини мослаштиради.
- Бу иншоотларнинг ҳажми улар мослаштирадиган, авария ҳолати ва ёнгинни ўчириш учун кўзда тутиладиган сув ҳажмларининг йиғиндисидан иборат бўлади.
- Сув ҳажмини сақловчи ва сув сарфини мослаштирувчи босимли иншоотлар қуйидаги турларга бўлинадилар:
  - а) босимли сув миноралари;
  - б) босимли сув резервуарлари - табиий баланд жойларда ўрнатилган тарзда босимни таъминлайдилар;
  - в) пневматик насос қурилмалари - ҳаво босими ҳосил қилиш йўли билан сув босимни таъминлайдилар.

# Босимли сув минораси

Босимли сув минораси учта асосий қисмдан иборатdir:

- резервуар (бак);
- асос (тана);
- ҳимоя қобиғи.

Ҳимоя қобиғи сувни музлаш ва исиб кетишдан сақлаш учун хизмат қилади.


Босимли сув минораси резервуарининг ҳажми ва баландлиги ҳисоб китоблар асосида аникланади.

Босимли сув минораси резервуарининг ҳажми бир неча минг  $m^3$  гача бўлиши мумкин, баландлиги эса одатда 15-30 м гача бўлади.

# Босимли сув минораси ва унинг кўринишлари.

Босимли сув минораси - асосий уч кисмдан иборатdir.

- 1- босимли қувур
- 2- чиқинди сув қувури
- 3- фундаментни штыри
- 4- бетон фундамент
- 5- фундамент тепалиги
- 6- резервуар танаси
- 7,8- кўтарилиш зинаси
- 9- қопқоқли туйнук
- 10-хаво алмаштириш трубаси
- 11- том
- 12-ушлагич
- 13. Резервуар (бак)



# Босимли сув миноралари



# Босимли сув миноралари





# Босимли сув минорасининг ҳажми

- Қишлоқ хўжалиги сув таъминотида кичик ҳажмли пўлат материалдан тайёрланган босимли сув миноралари кенг қўлланилади.
- Босимли сув минорасининг умумий ҳажми мослаштирувчи, ёнгинга қарши ҳамда бўшатилмайдиган сув ҳажмларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

$$W = W_{\text{мосл}} + W_{\text{ёнгин}} + W_{\text{бўш}}$$

- Босимли сув минорасида ёнгинга қарши сув сарфини етказиб берадиган насослар ишга туширилгунга қадар ўтадиган вақтда сув билан узлуксиз таъминлаш учун ёнгинни 10 минут давомида ўчириш учун сарфланадиган сув ҳажми сакланади.
- Босимли сув минорасида бўшатилмайдиган маҳсус сув ҳажмини саклаш ҳам кўзда тутилади.

# Мослаштирувчи ҳажмни аниклаш

- Босимли сув минорасининг мослаштирувчи ҳажми соатлик сув истеъмоли ҳамда иккинчи кўтариш насос станцияси иш тартиби графикларини ўзаро солиштириш асосида аникланади.
- Мослаштирувчи сув ҳажмини икки йўл билан:
  - a) жадвал;
  - b) график усуллари ёрдамида аниклаш мумкин.
- График усулида - сув истеъмолининг интеграл ва насос станциясининг ишлаш графиклари ёрдамида сутканинг ҳар бир соатида қанча сув истеъмол қилиниши ва шу соатда насосдан қанча сув берилиши ўзаро солиштирилади.
- Мослаштирувчи сув ҳажми графиклардаги сувнинг етишмаслиги ва ортиқчалиги ординаталарининг йиғиндиси сифатида аникланади.



## **Авария вақтида бериладиган сувнинг ҳажми**

- Аварияни бартараф қилиш вақтида зарур бўладиган сувнинг ҳажми сув ташиб қувурлари ва бошқа иншоотларда авария содир бўлганда сув таъминотида бўладиган узилишнинг олдини олиш учун кўзда тутилади.
- Аварияни бартараф қилиш вақтида ичимлик сувини бериш 30% гача камайтирилиши мумкин.
- Авария ҳолатларида корхоналарга сув маҳсус график асосида берилади.
- Аварияни бартараф қилиш вақти ҚМҚ бўйича аниқланади.
- Аварияни бартараф қилиш вақтида етказиб бериладиган сув тоза сув резервуарида сакланади.
- Ёнғинни ўчириш учун мўлжалланган сувнинг 10 минутга етадиган ҳажми босимли сув минорасида, 3 соатга етадиган ҳажми тоза сув резервуарида сакланади.

# **Босимли сув минораси**

- Босимли сув минораси иккита құвурлар тизими билан жиҳозланади:
  - а) сувни қабул қилиш ва узатиш құвурлари тизими
  - б) ортиқча сувни чиқариб юбориш ва резерварни бўшатиш құвурлари.
- Босимли сув минорасини асоси турли материаллардан (пўлат, темир-бетон, фишт, ёғоч) ясалади, ва ҳар хил тузулишда бўлиши мумкин. Темир-бетон пояли ва пўлат резервуарли босимли сув миноралари энг кўп тарқалган турлардан ҳисобланади. Темир-бетон босимли сув минораси кенг тарқалган бўлиб, унинг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳажми 100-800 м<sup>3</sup> гача, баландлиги эса 15-40 м гача боради. Босимли сув минораси резервуари цилиндрик кўринишида бўлиб, асоси деворсимон лента фундаментда ўрнатилади.

# Босимли сув минораси ва унинг асосий жихозлари.



- 1-Сув сақлаш ҳазасининг химоя қобиғи
- 2-Сув сақлаш ҳавзаси
- 3-Тўлиқ таянч
- 4-Сув берувчи қувур
- 5-Ортиқча сувни чиқариб йуборувчи қувур
- 6-Нарвон
- 7-кўприкча
- 1-Сув берувчи қувур
- 2-Сув олувчи қувур
- 3-Задвижка
- 4-Тескари клапан
- 5-Компенсатор
- 6-Воронка
- 7-Учлик
- 8,9-Фланцли тирсак
- 10-Ўтказгич
- 11-Фланцлар

# Пневматик насос қурилмаси

Пневматик насос қурилмалари – водопровод тармоқларида қўшимча босимни ҳаво босими ҳосил қилиш йўли билан таъминлайдилар.

Сув идишида сув сатҳи максимал бўлганда Б идиши бакидаги сувнинг ҳажми -  $W_1$  га ва сув идишида сув сатҳи минимал бўлганда -  $W_2$  га teng. Босимлар эса мос ҳолда  $P_1$  ва  $P_2$  га teng. У ҳолда Бойль-Мариотт қонунига асосан

$$\begin{aligned} W_1(P_1 + 1) &= W_2(P_2 + 1) \\ W_2 &= V + W_1 \end{aligned} \quad (1)$$

бунда

$V = W_2 - W_1$  - тартибга солиш ёки мосмлаштирувчи ҳажм


$V$  – нинг қиймати интеграл графикдан аниқланади.

$$\begin{aligned} W_1(P_1 + 1) &= (V + W_1)(P_2 + 1) \\ W_1(P_1 + 1) - W_1(P_2 + 1) &= V(P_2 + 1) \\ W_2 &= V + W_1 \\ P_2 &= H_{бсм} = H_{эрк} + (Z_{нн} - Z_{бсм}) + Eh_{ннбсм} \end{aligned}$$

$P_1$  - максимал босим

$$E = P_1/P_2 \quad P_1 = EP_2$$

$E_1$  нинг қиймати 1 дан чексизгача ўзгариши мумкин, оптималь қиймат  $E = 1.33-2.0$  га teng. Амалда ҳаво идишининг хамжи сув идиши ҳажмидан уч марта катта қабул қилинади.



### **Пневматик насос қурилмаси схемаси.**

А ва В - геометрик беркитилган резервуарлар

А - сув идиши

В - ҳаво идиши

1 - ҳавони В идишдан А идишга узатувчи құвур

2 - сувни А идишга ва А идишдан тармокка узатувчи құвур

3 - насосдан сув бериш қувури

4 - компрессор

## **Назорат саволлари**

1. Пневмоасос мосламасининг вазифаси?
2. Босимли сув минораси хакида умумий тушунча?
3. Босимли сув минорасининг хисоби?
4. Гидропневматик мосламалар нима?
5. Тоза сув резервуарининг тўла ҳажми қандай ҳажмлардан иборат?

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Махмудова И.М. «Питьевое водоснабжение» Т.: Чолпон, 2019. – 264 с.
2. Maxmudova I.M., Saloxiddinov A.T. Qishloq yaylovlar suv ta'minoti. – Т.: Chinor-ENK, 2013. – 151 б.
3. Оводов В.С. Сельскохозяйственное водоснабжение и обводнение москва 1984 г. -480 ст.
4. ШНҚ 2.04.02-2019 Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар.
5. Карамбиров Н.А. Сельскохозяйственное водоснабжение.– Москва: Колос, 1986. – 445 б.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!!!**